

**КИНОСЦЕНАРИЙЛАР МАТНИНИНГ ЛИСОНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ
("ДИРИЛИШ ЭРТУҒРУЛ" ВА "МЕНДИРМАН ЖАЛОЛИДДИН"
КИНОСЦЕНАРИЙЛАРИ МИСОЛИДА")**

Акбар Юсупович РУЗИЕВ

мустақил изланувчи

Алишер Навоий номидаги

Ўзбек тили ва адабиёти университети

Тошкент, Ўзбекистон

ruziyevakbar@navoiy-uni.uz

Аннотация

Мақолада киносценарийлар, улар устида ишлашнинг дастлабки босқичлари, сценарий муаллифининг вазифалари, скрипт лойиҳаси ҳамда унинг таркибий қисмлари, дискурс, унинг сценарийдаги мавқеи хусусида сўз юритилади.

Таянч сўзлар: ҳужжатли кино, кино регистри, матннинг просодияси, семантикаси, прагматикаси, дискурс, скрипт ҳужжати, киносценарий конфликт, нутқий вазият.

**ЯЗЫКОВЫЕ ОСОБЕННОСТИ ТЕКСТОВ КИНОСЦЕНАРИЕВ
(НА ПРИМЕРЕ КИНОСЦЕНАРИЕВ "ДИРИЛИШ ЭРТУҒРУЛ" И
"МЕНДИРМАН ЖАЛОЛИДДИН")**

Акбар Юсупович РУЗИЕВ

Независимый исследователь

Университет узбекского языка и литературы

имени Алишера Навои

Ташкент, Узбекистан

ruziyevakbar@navoiy-uni.uz

Аннотация

В статье рассматриваются сценарии, начальные этапы работы над ними, задачи сценариста, сценарный проект и его составляющие, дискурс, его положение в сценарии.

Ключевые слова: документальный фильм, кинорегистр, просодия текста, семантика, прагматика, дискурс, сценарный документ, сценарный конфликт, речевая ситуация.

Маълумки, адабиётнинг бош манбаи – инсон. Бадий асарнинг заминида ҳар доим инсон бўлиши ҳам бежиз эмас. Инсоннинг ҳаёти, меҳнати, кураши, манфаатлари, ҳис-туйғулари, қарашлари, фикру зикри адабий асарнинг мазмунини, сюжетини, шаклини ташкил этади. Воқеа ҳаққоний чиқса, у қаҳрамонлар ва деталларда очиб берилса, санъатнинг талабига жавоб берилган бўлади. Назарий билимларни ўрганган ҳолда

тарихга назар ташлаб, сценарийлар яратиш мақсадга мувофиқ. Чунки айнан назарий билимларга ҳамда кўп йиллик тажрибаларга асосланган, таянган ҳолдагина асл санъат асарини яратиш имкони пайдо бўлади. Фильмнинг бутун образли қурилиши, асосан, киносценарийни, ундан эса даврни ҳамда вақтни очишга қаратилади. Бундан маълум бўладики, ҳар қандай санъат асарининг асосини сценарий ташкил этиб, негизида инсон, унинг ҳаёти, ички кечинмаси, тақдири, у яшаётган давр ва замоннинг ўзига хос томонлари акс этади. Шу билан бирга, хоҳ у сахна асари, хоҳ экран санъати намунаси бўлсин барчаси давр, замон муаммоларини, камчиликларини, ютуқларини ўзида ифода этиши шарт. Замонавий кино асарларни, ўз навбатида, шартли равишда қуйидагича ифодалаш мумкин, яъни психологик, комедия ҳамда саргузашт. Бу тизимлар бир-бири билан ўзаро чамбарчас боғлиқ. Шунга қарамай, уларнинг асосий жиҳатларини инобатга олган ҳолда, таҳлил қулайлиги учун ажратиш мумкин. Барча сценарийларнинг умумий хусусияти – бу композициядаги драматик зиддиятларнинг динамик ривожланиши. Шу билан бирга, турли жанр тизимлари ўзларининг устунлиги, доминант даражасига эга. Психологик мазмундаги сценарийда қаҳрамоннинг шахсини ўрганишга, тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилади. Ёзувчидан ҳолатни тасвирлаб бериш катта масъулият ва иқтидорни талаб қилади. Замонавий ўзбек киносида яратилган драма жанридаги кино асарларини оладиган бўлсак, тарихий драмага мансуб киномаҳсулотларни, психологик драма, мистик драма, ижтимоий ҳамда маиший драма жанрига хос бўлган фильмларни учратиш мумкин.

Тўқсонинчи йилларнинг охиригача “кино матни” атамаси фильмдаги қаҳрамонларнинг нутқини у ёки бу даражада акс эттирувчи барча ёзма шаклларга нисбатан қўлланилади. XX асрда кино нутқи, қоида тариқасида, санъат тарихидаги илмий тадқиқотларнинг бир қисми эди. Кино нутқини илмий ёритишнинг бошланиши ВГИК (Бутуниттифоқ давлат кинематография институти) киноматематика кафедраси ўқитувчилари томонидан қўйилди. 1963 йилда Э.И.Недугов “Авторская речь в сценарии и

фильме”, И.М.Маневич “Кино и литература”, О.В.Пойманова “Американский роман” номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1997 йилдан кейин кино нутқи муаммоларига бағишланган бир қатор филологик диссертациялар пайдо бўлди. Хусусан, М.Е.Салцина “Просодия, семантика и прагматика текста в регистре документального кино” (2001), М.М. Давидова “Теоритические основы процессориентированного подхода к переводу кинодиалога” (2005), В.Е.Горшкова “Категория автора в тексте сценарной адаптации” (2006), Ю.Б.Идлис “От текста романа к кинотексту” (2006) мавзуларида диссертациялар ҳимоя қилдилар.

Катта иш 2009 йилда Alexander Street Press L.L.C. томонидан яқунланган. У 1009 та скриптни ўз ичига олган электрон скрипт кутубхонаси бўлган “American Scripts Online”ни компиляция қилиш учун Чикаго университети билан ҳамкорлик қилди, уларнинг аксарияти илгари ҳеч қачон нашр этилмаган. Сценарий бадиий асарнинг ўзига хос шаклидир. У драматик асар ва техник ҳужжатнинг хусусиятларини бирлаштиради.

Скрипт ҳужжати қуйидаги умумий хусусиятларга эга:

1) уни ходим (сценарий бўлимининг доимий ходими ёки шартнома асосида ишлайдиган ходим) томонидан яратиш;

2) уни иш берувчи томонидан белгиланган муддатда ёзиш: масалан, аллақачон нашр этилган адабий асарга сценарий ёзиш учун сценарий тугалланиши керак бўлган сана продюсернинг фильм ҳуқуқларини сотиб олган санаси билан белгиланади;

3) сценарий – бир гуруҳ ижрочилар (продюсер, муҳаррир, бошқа сценарий муаллифлари ва бошқалар) ишининг натижаси;

4) матнда аниқ ижрочилар, кўпинча оператор учун мўлжалланган техник маълумотларнинг, шунингдек умумий қабул қилинган қисқартмаларнинг мавжудлиги;

5) версиялаш – барча олдинги версияларни сақлаб қолган ҳолда скриптнинг янги версиясига ўзгартиришлар киритилади; баъзан скрипт

лойихасининг бир нечта версиялари уларнинг кейинги жамоавий муҳокамаси учун яратилади;

6) ишлаб чиқариш жараёни билан чамбарчас боғлиқлик (ишда студиянинг техник имкониятларини ҳисобга олиш зарурати таъкидланган.

7) бадий шакл – диалог ва мулоҳазалар; сюжет, авж нуқтаси, танбех;

8) тўлиқ эмаслик – сценарий, худди спектакл каби, унинг асосида бадий асарни кейинги яратишга мўлжалланган ва бу жараён давомида ўзгаришлар кутилмоқда;

9) персонажларнинг реалистик нутқи – нутқнинг жонли спонтан диалогга максимал даражада яқинлашиши;

10) сценарийнинг салмоқли қисми профессионал ёзувчи томонидан яратилган. Сценарий фильмга айлантиришга лойиқ топилиб, режиссёрлик ишланмаси бўлишидан олдин у узоқ тайёргарлик ва шаклланиш жараёнидан ўтади.

Сценарий устида ишлашнинг дастлабки босқичи сценарий (адабий, ижодий) илова (конспект) яратиш ҳисобланади. Илова – бу “материал ва мавзун, ғояни, сюжет ва персонажларнинг контурларини ўз ичига олган шакллантирилган, ишлаб чиқилган, нисбатан тугалланган ғоя” [8]. Скриптнинг тўлиқ версияси билан танишишдан олдин, продюсер ёки муҳаррир унинг иловасини ўқийди.

Сценарий муаллифи адабий ишининг навбатдаги, тўртинчи тури сценарийнинг қоралама вариантыни (қораламасини) ёзишдир. Скрипт лойихасининг форматига қатъий талаблар қўйилади, шунинг учун бугунги кунда у одатда махсус компьютер дастурлари ёрдамида тузилади. Таркибий жиҳатдан, скрипт лойихаси икки компонентдан иборат:

экспозиция (бизнес экспозиция);

диалог (диалог).

Экспозицияга қуйидагилар киради:

воқеа жойининг тавсифи;

персонажларнинг ташқи қиёфасини тавсифлаш;

техник маълумотлар.

Дискурс сценарийнинг энг муҳим таркибий қисми бўлиб, у сюжетни ривожлантириш ва персонажларни очиш воситаси сифатида хизмат қилади. Кино дискурси учун энг кучли, характерли, маъно ва тасвирга бой сўз ва иборалар танланади, улар энг ифодали ва таъсирли кино нутқиға таржима қилинади [9]. Киносценарийларда дискурс кенг ва хилма-хил намоён бўлади. Нутқий вазиятнинг турфалиги, ўзаро конфликтли образлар нутқи ва ҳатти-ҳаракатларининг ўзига хос мажмуи дискурс таҳлилни амалга ошириш заруратини пайдо қилади. Икки қардош халқ киносценарийлари таҳлили давомида тарихий давр, шароит, маданиятнинг нутқда акс этиши, ўзига хослик ва хилма-хилликларни аниқлаш имкониятини беради.

Турк сериалларининг Яқин Шарқдаги таъсири ҳақида изланиш олиб борган Мириам Берг ўз тадқиқотида 100 нафар қатарлик ёшлар билан суҳбат ўтказган ва сериаллар турклар ва Туркияға бўлган хурофотларни синдиришға олиб келгани таъкидланган [10]. Айниқса, Қатарда пурк сериалларини турк ва араб тилларида дубляж, трансляция қилишда этник ва маданий ўхшашликлар ушбу сериалларни кўпроқ жалб қилди.

Юнус Эмронинг фикриға кўра, Шарқ мамлакатларида турк тарихий кинофильмлари ва сериалларига қизиқиш юқори. “Усмонлилар империяси остида ҳукмронлик қилган мамлакатлардан ташкил топган Яқин Шарқда туркларнинг аксарияти ислом диниға мансуб. Диний турмуш тарзи ва унинг телесериалларда акс этиши жамиятлар эътиборини тортади. Шунингдек, Яқин Шарқда яшовчи баъзи одамларнинг телесериалда тасвирланган турмуш тарзига тақлид қилишлари билдирилган” [11].

“Дирилиш Эртуғрул” сериали телевидениядаги “сицом” спектаклларида фарқли ўлароқ, турли формат хусусиятлари билан олдинға чиқади. Сериалнинг ҳикояси турк томошабинларини Усмонлилар империясининг ташкил топган даврларига етаклайди. Қайи қабиласидаги воқеаларни тасвирлаб, давр шароитларини очиб беради, Анадолудаги бошқа қабилалар ва қўшни давлатларни тасвирлаб, 1200-1300 йилларға ойдинлик

киритишга ҳаракат қилади. Қайи қабиласидаги ҳикоялар томошабинни Усмонли империясининг ташкил топган даврларига олиб боради. “Дирилиш Эртуғрул” сериали бу ҳикоялар билан ўша давр воқеалари ва персонажларини айтиб, томошабиннинг тарихий хотирага қайтишини иштайди. Қайи қабиласи — Анадолудаги ўғуз наслидаги қабилалардан бири. Улар Анадолунинг турли жойларига кўчиб ўтиб, ўзлигини сақлаб қолишга ҳаракат қилади. Ўша даврда Анадолуда “Анадолу Салжуқийлар давлати” ҳукмрон бўлса-да, Истанбул Византияда, Сурия ва Миср эса Айюбийлар давлатида эди. Анадолунинг шарқий чегарасида мўғуллар ҳукмронлиги мавжуд. Қайи қабиласи бошқа қабилалар билан бирлашиб, Салжуқийлар давлатининг давом этишини таъминламоқчи. Шунинг учун у шарқда мўғуллар, ғарбда византияликлар, жанубда вақти-вақти билан Айюбийлар, Анадолуда салибчилар тамблиерлари билан кураш олиб боради. Бу кураш турли сабабларга кўра қабилалар ўртасида ҳам бўлади. Қабилалар ўртасидаги энг катта келишмовчилик “Йўлбарс князлиги”га эгалик қилишда юзага келади. Бу воқеалар умумий маънода “Дирилиш Эртуғрул” сериалида содир бўлган бўлсада, курашнинг бошқа муҳим томони – ичкарида кечган хиёнатлар эканлигини айтиш мумкин. Ҳикояга кўра, ҳар бир қабиллада хиёнат қилувчи жаноб ва унинг Алп тоғлари бор. “Дирилиш Эртуғрул” туркумидаги муҳим воқеалардан баъзилари Алп тоғлари ва лагердаги аёллар ўртасида содир бўлади. Аввало, Алп бўлишнинг маълум қоидалари бор, Бу – халқ дипломатиясидаги янги йўналишлар ва унинг қийинлиги. Алп тоғи бўлишни истаган ҳар бир киши Алп тоғлари машғулотларидан муваффақиятли ўтган бўлиши керак. Демак, “Дирилиш Эртуғрул” киносценарийсида турли мураккаб характерга эга қаҳрамонлар иштирок этади ва уларнинг нутқи ҳам мураккаб прагматик дастурга эга. Таҳлилга тортиш лозим бўлган дискурс қуйидаги ҳолатларда танлаб олинди:

сарой аҳли, аъёнлар, юқори табақа вакиллари;

диний уламолар, дин пешволари;

жангчи ва аскарлар;

канизаклар, сарой хонимлари.

“Мендирман Жалолиддин” киносценарийси конфликтнинг кескинлиги, воқеалар ривожига кутилмаган ўзгаришлар билан ажралиб туради. Яна бир эътиборли жиҳати киносценарийда ўзбек, турк, мўғул ва бошқа халқлар маданияти ҳам акс этади. Шу боис тадқиқ жараёнида қиёсий таҳлилга таянилди. Демак, хусусий дискурслар таҳлилида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

сўзликнинг танланиши, сўз жумбоқларининг қўлланилиши;

нутқий вазиятнинг юзага келиши, нутқий вазиятга алоқадор ходисалар;

кахрамонлар нутқининг прагматик дастури;

нутқий вазиятни ҳисобга олган ҳолда фикрнинг адресатга таъсири;

нутқнинг қандай кўринишда ташкил этилганлиги ва бунда нутқнинг ўзига хослиги (монолог, диалог, полилог);

турли лисоний ва нолисоний бирликлар, вербал ва новербал воситалардан фойдаланиш;

фикрнинг мавзу ва ғоявий йўналиш линиясини баҳолаш;

суппозиция, пресуппозиция, импликация, интенсиянинг гендер стереотипларда хилма-хиллиги;

гендер стереотипларга мувофиқ нутқнинг хосланиши ва ҳ.к

Гендер стереотипларни фарқлаш учун турли хил таърифлар ва синонимларнинг мавжудлиги уларни шахсга боғлиқ бўлган денотацияларнинг турли синфларини ва шахс белгилари гуруҳларини (шахснинг ташқи кўриниши элементларини), шахс белгиларини (фаолияти, тили, онгини) аниқлаш орқали тизимлаштиришни (ҳис-туйғулар, ирода эркинлиги, ижтимоий хулқ-атвор), шахсий белгилар (яхшилик ва ёмонликни фарқлаш, характер, ахлоқий ҳаракатлар)ни талаб қилади.

Демак, хусусий дискурслар, хусусан киносценарийлар дискурсида нутқ ва нутқий вазиятни таҳлил қилиш жараёнида гендер стереотиплар аниқланади. Улар характер қирралари, хатти-ҳаракатлари, лисоний воситаларнинг

кўлланилиши, новербал компонентларнинг ишлатилиши, импликация, нуткий интенсиянинг ифодаланиши билан характерланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Горшкова В.Е. Категория автора в тексте сценарной адаптации: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Москва: Иркутский государственный лингвистический университет, 2001 – 26 с.

2. Давыдова М.М. Теоретические основы процессориентированного подхода к переводу кинодиалога: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Москва: Тульский государственный педагогический университет им.Л.Н.Толстого, 2005 – 26 с.

3. Идлис Ю.Б. От текста романа к кинотексту: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Москва: Московский государственный университет, 2006. – 26 с.

4. Маневич И.М. Кино и литература: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Москва: Московский государственный университет, 1967 – 26 с.

5. Недугов Е.И. Авторская речь в сценарии и фильме: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Москва: Московский государственный университет, 1963. – 26 с.

6. Пойманова О.В. Американский роман: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Москва: Московский государственный университет, 1967 – 26 с.

7. Сальцина М.Е. Просодия, семантика и прагматика текста в регистре документального кино: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Москва: Московский государственный университет, 2001 – 28 с.

8. Серль Дж.Р. Основные понятия исчисления речевых актов / Дж.Р. Серль, Д. Вандервекен; пер. с англ. А.Л. Блинова // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 18. Логический анализ естественного языка. – Москва: Прогресс, 1986. – 280 с.

9. Формановская Н.И. Коммуникативно-прагматические аспекты единиц общения. – Москва: Русский язык, 1982. – 254 с.

10. Cavlan T. (2010). Yeni Osmanlıcılık: Batıdan kopuş mu? Sosyal Bilimler Dergisi, Cilt, 3 Sayı, 2, ss.320

11. Yunus Emre ÖKMEN* Oğuz GÖKSU. Kültürel Diplomasisi Bağlamında Türk Dizilerinin İhracatı ve Kültür Aktarımına Katkısı: ‘Diriliş Ertuğrul’ Örneği.[https://tasam.org/Files/Icerik/File/Kamu_Diplomasisinde_Yeni_Y%C3%B6nelimler_\(2\)_pdf_18aaac77-d41b-4ee7-9d58-6178c992cab3.pdf](https://tasam.org/Files/Icerik/File/Kamu_Diplomasisinde_Yeni_Y%C3%B6nelimler_(2)_pdf_18aaac77-d41b-4ee7-9d58-6178c992cab3.pdf)